

**Ўзбекистон metallurgия va машинасозлик саноати
тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика
Кенгашининг 2016 йил 11майдаги
3-Зсонли қарорига 1-илова**

**Ўзбекистон metallurgия ва машинасозлик саноати
тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси
Хотин-қизлар Кенгаши
НИЗОМИ**

- I. Умумий қоидалар
- II. Кенгашнинг асосий мақсадлари
- III. Кенгашнинг вазифалари ва хуқуqlари
- IV. Кенгашнинг иш тартиби

I. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон metallurgия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Хотин-қизлар Кенгаши (кейинги ўринларда “Кенгаш” деб аталади) мулкчилик шаклидан қатъий назар тармоқнинг ташкилот, муассасаларида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда Республика кенгашининг иштирокини кучайтириш мақсадида ташкил этилади.

1.2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг хуқуqlари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига, ХМТнинг №103-сонли “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конвенцияси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Устави, Ўзбекистон metallurgия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Устави, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг “Хотин-қизлар кенгashi тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон metallurgия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Курултойлари, Кенгаш ва Раёсат қарорларига ҳамда мазкур Низомга амал қиласди.

1.3. Кенгаш жамоатчилик асосида иш юритади ҳамда ўз фаолияти юзасидан Республика Кенгаши Раёсати олдида ҳисобот беради.

1.4. Кенгаш Низоми ва таркиби Ўзбекистон metallurgия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан тасдиқланади. Масъул котиб, доимий комиссиялар ва раислари Кенгаш мажлисида сайланади.

1.5. Ўзбекистон metallurgия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг корхона ва ташкилотларида “Хотин-қизлар кенгаш”лари тузилиб, улар ушбу Низом асосида фаолият юритиши тавсия этилади.

II. Кенгашнинг асосий мақсадлари

Куйидагилар Хотин-қизлар Кенгашининг асосий мақсадлари хисобланади:

2.1. Тармоқ келишувлари хамда корхона, ташкилот, муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларига хотин-қизларга хавфсиз меҳнат, дам олиш шароитлари яратиб берилиши, меҳнатига муносиб ҳақ тўланиши, қўшимча имтиёзлар берилиши, ҳуқуқий маданиятларини ошириш, маданий-маърифий йўналишдаги тадбирларда иштирок этиш учун имкониятларини кенгайтирилиши масалалари киритилишига эришиш ва уларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

2.3. хотин-қизлар ўртасида касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини амалда намойиш этувчи омилларни кучайтириш, уларни касаба уюшмалари фаоллари сафига кенг жалб этиш;

2.4. хотин-қизлар, айниқса, талаба ва ўқувчи қизларнинг интеллектуал салоҳиятларини намойиш этишлари, ўз ички имконият ва қобилиятларини юзага чиқаришлари учун етарли шарт-шароитлар яратилишига эришиш;

2.5. хотин-қизларнинг оила ва ижтимоий ҳаётда муносиб ўринга эга бўлишлари, фарзанд тарбияси ва ҳаётимизнинг турли жабхаларидағи фаолиятларини бир-бирига уйғун ҳолда олиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашиш.

III. Кенгашнинг вазифалари ва ҳуқуқлари

Кенгаш қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

3.1. Тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларига хотин-қизлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятларини, уларга имтиёзлар берилишини назарда тутувчи меъёрлар киритилишига эришиш ва уларни бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

3.2. Қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари асосида хотин-қизларга берилган кафолат хамда имтиёзларнинг амалдаги ижросини назорат қилиш.

3.3. Корхона, ташкилот ва муассасаларда аёллар гигиена хоналарини ташкил этиш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

3.4. Хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини ўрганиш ва қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

3.5. Хотин-қизларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга кўмаклашиш.

3.6. Ҳомиладор аёлларга ҳомиладорлик ва туғиши нафақалари тўланиши устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиши.

3.7. Хотин-қизларга мөннат қилиш, эркин касб танлаш, иш билан таъминланиш ҳамда хавфсиз мөннат шароитларида, нисбатан кўпроқ иш ҳақи тўланадиган, масъулиятли ишларда фаолият кўрсатишлари учун яратилаётган имкониятларни янада кенгайтиришга кўмаклашиш.

3.8. Хотин-қизларнинг, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида барпо этилаётган янги иш ўринларида мөннат қилаётган тадбиркор аёлларнинг ижтимоий-иктисодий ва хуқуқий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, уларга хавфсиз ва етарли иш шароитлари яратилишида кўмаклашиш.

3.9 Жойларда хотин-қизларнинг хуқуқий маданиятини ва саводхонлигини ошириб бориш ишларida иштирок этиш.

3.10 Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган хотин-қизларнинг, хусусан, кам таъминланган, кўп болали, боқувчинини йўқотган, ногирон аёлларнинг ижтимоий-иктисодий ва хуқуқий манфаатлари ҳимоясини кучайтиришда, шунингдек, жазони ўташ жойларидан қайтган аёлларнинг жамиятда ўз ўринларини топишларида кўмаклашиш.

3.11. Ижодкор, илмий-тадқиқотчи ёш аёлларни қўллаб-кувватлашда иштирок этиш.

3.12. Иш берувчилар ва касаба уюшмалари томонидан хотин-қизларнинг сиҳатгоҳларда соғломлаштирилиши масалаларига эътиборни кучайтирилишига эришиш.

3.13. Хотин-қизлар орасида турли нохуш ҳолатлар (гиёҳвандлик, жиноятчилик, ичкиликбозлик, фоҳишбозлик, ўз жонига қасд қилиш, турли оқимлар таъсирига тушиб қолиш, одам савдоси)нинг олдини олиш, оиласарда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оила муқаддаслиги борасида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тушунтириш ишларини олиб бориш.

3.14. Хотин-қизларнинг жамиятдаги, мөннат жамоасидаги ўрнини мустаҳкамлаш, жамиятда рўй бераётган муҳим янгиланиш ва ўзгаришларда фаол иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилишига эришиш.

3.15. Хотин-қизларда миллий ва маънавий қадриятларга садоқат ҳамда миллий истиқлол ғояси руҳини ошириш, уларнинг маданий-маърифий ва маънавий савияларини юксалтириш, аёллар, айниқса талаба ва ўқувчи қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга кўмаклашиш.

3.16 Кенгаш номига хотин-қизлардан келган хат, ариза ва шикоятларни ваколатлари доирасида ўз вақтида кўриб чикиш ва таҳлил этиб бориш.

3.17. Иш жойларида хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий ва хуқуқий манфаатлари ҳимояси таъминланиши, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида улар учун белгиланган имтиёзлар тўлиқ берилиши устидан танлов асосида мониторинг ўтказиш;

3.18. Худудларда тармоқ касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ишчи гуруҳлар таркибига Кенгаш

вакилларини киритиш, ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш жараёнида тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ва аъзо ташкилотларга тегишли тавсияларни йўллаш;

3.19. Касаба уюшмалари органларидан олинаётган маълумот, ахборотларни таҳлил қилиб бориш, таҳлиллар асосида тармоқ касаба уюшма Кенгашиги ҳамда таклифлар киритиш;

3.20. Аъзо ташкилотларнинг хотин-қизлар билан ишлаш кенгашлари фаолиятида фойдаланишлари учун тармоқ миқёсида услугий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш;

3.21. Аъзо ташкилотлар, касаба уюшмалари ва иш берувчилар билан ҳамкорликда жойларда тадбирлар ташкил этиш;

3.22.Халқаро касаба уюшма ташкилотларининг хотин-қизлар манфаатларини ифода этиш йўналишидаги фаолиятларини ўрганиш, тажриба алмасиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш.

V.Кенгаш қуидаги хуқуқларга эга:

4.1. Иш жойларида хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий ва хуқуқий манфаатлари ҳимояси таъминланишини ўрганиш, Кенгаш мажлисларида муаммоли вазиятларни муҳокама қилиш, Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан касаба уюшмалари органларига тавсияларни йўллаш.

4.2. Кенгаш мажлисларига, зарур ҳолда, кўрилаётган масала бўйича касаба уюшмалари органлари раҳбарлари ва иш берувчиларни таклиф этиш.

4.3. Кенгаш томонидан жойларда хотин-қизлар манфаатига оид масалаларни ўрганишга тармоқ Республика кенгаши аппаратининг масъул ходимларини жалб этиш юзасидан тармоқ кенгаши раисига таклифларни киритиш;

4.4. Тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларини тайёрлаш ҳамда назоратини олиб бориш, уларни экспертизадан ўтказиш бўйича комиссиялар таркибиға Кенгаш аъзоларини киритиш юзасидан тегишли касаба уюшма органи раҳбариға таклифларни йўллаш.

4.5. Тармоқ республика хотин-қизлар Кенгаши ташкилотларда фаолият юритаётган кенгаш ишларини ва уларда юзага келадиган муаммоларни ўрганиш, таҳлил этиб бориш, зарур ҳолларда Республика Кенгаши Пленуми ва Раёсатига бу борадаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш ҳамда тегишли қарорлар лойиҳаларининг тайёрланишида иштирок этиш.

V. Кенгашнинг иш тартиби

5.2. Кенгаш мажлислари заруратга қараб, йилда камида бир маротаба ўтказилади.

5.3. Кенгаш қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Кенгаш мажлисида аъзоларнинг 2/3 қисми иштирок этгандагина у хуқуқли, қарорлар

мажлис қатнашчиларининг ярмидан кўпроғи қўллаб овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

5.4. Кенгаш ўзи тасдиқлаган иш режаси асосида иш олиб боради.

5.5. Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Хотин-қизлар Кенгаши фаолиятининг молиявий таъминоти Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши, хомийлар ва иш берувчилар томонидан ажратилган маблағлар доирасида белгиланади.

VI. Кенгаш Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

6.1. Амалдаги қонунларга ўзгартиришлар киритилганда, янги қонунлар қабул қилинган холларда, Федерация Кенгашининг “Хотин-қизлар кенгаши” Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган холларда ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Кенгашнинг қарори билан киритилади. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор Кенгаш аъзоларининг камида 2/3 (учдан икки) қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.